

Дубайда дунёдаги энг катта Қуръон нусхаси тақдим этилади



14:59 / 06.09.2021 1566

Жорий йилнинг 1 октябрдан бошлаб, покистонлик rassom Шаҳид Разам томонидан ёзилган дунёдаги энг катта Қуръон нусхасининг Dubai Expo 2020 кўргазмаси намойиш этилади. Бу ҳақда haber 25 манбаси маълум қилди.

Шаҳид Разам 2000 йилда Ал Айн университетининг «Йил rassomi» мукофотига сазовор бўлган.

Беш йил муқаддам покистонлик rassom алюминий тувалга зарҳал ёзувлар шаклида Қуръон оятларини ёзган. Ушбу Қуръон матога, қоғозга ва терига ёзилган дунёдаги энг катта Қуръон нусхаларидан фарқ қилади.

Аввал рассом Аллоҳнинг 99 исмини алюминий ва ялтироққа ўхшаш шрифтда ўйиб ёзган. Разам лойиҳани беш йил олдин бошлаган ва бу йил уни Dubai Expo 2020 олти ойлиги доирасида намойиш этади.

Қуръон нусхасининг рамкадан ташқари узунлиги 8,5 фут ва кенглиги 6,5 фут. Бир саҳифада 150 та сўз бор ва саҳифаларнинг умумий сони 550 тани ташкил қилади.

Expo 2020 кўргазмаси ўтган йилнинг октябр ойида бўлиб ўтиши керак эди, аммо коронавирус авж олгани сабаб қолдирилган.

Маълумот ўрнида яқин Шарқдаги биринчи халқаро кўргазма 2022 йилнинг 1 октябридан 31 мартгача 182 кун давомида «Ажабланарли инновациялар ва ўйин-кулги дунёси» шиори остида бўлиб ўтади ва 25 миллиондан ортиқ томошабин жалб этилиши режалаштирилган.